

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

**Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши
III БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ**

**Махмудова Нозиманинг
Классик фалсафанинг шаклланиши, унинг асосий хусусиятлари
мавзусидаги
Тайёрлаган**

РЕФЕРАТИ

Илмий раҳбар:

ф.ф.н. доцент М. Аминова

Қўқон – 2011й.

Мавзу: Классик фалсафанинг шаклланиши, унинг асосий хусусиятлари

РЕЖА:

К И Р И Ш

1. Иммануэл Кант – немис классик фалсафасининг асосчиси.
2. Иоганн Готлиб Фихтенинг фалсафий қарашлари
3. Фридрих Вильгельм Иозеф Шеллинг фалсафаси
4. Гегель фалсафасининг рационал мағзи.
5. Фейрбахнинг антропологик материализми.

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

КИРИШ

Фалсафа тарихи ва назарияси фанининг мавзуларига оиддир. Мазкур битирув малакавий иши фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаган давр немис классик фалсафаси даврида илгари сурилган фикрлар, бу давр фалсафасининг вакиллари ва уларнинг таълимотларини асосий жиҳатлари ҳақида маълумот беради.

Хозиргача мавжуд адабиётда мазкур мавзу кўпроқ биографик характерга эга бўлиб, классик фалсафа вакилларида Кант, Гегел ва қисман Фейербах ҳақида умумий маълумотлар берилган эди. Битирув малакавий ишида классик фалсафа вакилларида асарлари, уларнинг фикрларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган, бунинг учун интернет материалларидан фойдаланилди.

Мазкур битирув малакавий иши Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаларининг Фалсафа тарихи ва назарияси фанлари ўрганишида, фалсафа курси ўқитилишида кенг фойдаланиш мумкин. Битирув малакавий ишида классик фалса даври файласуфларидан Фихте, Шеллинг, Шопенгауэр, Ницше фалсафаси ҳам мукамал ёритишга ҳаракат қилинди. Бу эса адабиётлардан берилган чекланган фикрларни албатта тўлдириб, йўналиш талабалари учун хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Немис классик фалсафаси деб ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярми ва ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Германияда вужудга келган фалсафага айтамыз. Бу давр Европанинг илғор мамлакатлари: Англия, Франция ва Голландияда капиталистик муносабатлар тобора жадал олға томон тез ривожланаётган ҳамма соҳаларда феодал муносабатларнинг ўрнини эгаллаётган буржуа демократик инқилоблар бўлиб ўтаётган буржуа демократик ҳаракатлар авж олаётган давр эди.

Бу даврнинг марказида турли-туман ижтимоий ҳодисаларнинг авж олишига сабаб бўлган 1789-1792 йилларда бўлиб ўтган Француз буржуа - демократик инқилоби турар эди. Бу инқилоб Европанинг қатор мамлакатларининг шу

жумладан, Германиянинг ҳам ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Бу инқилоб, дастлаб Германияда ҳам шундай инқилобнинг зарурлигини, яъни ўн саккизинчи асрда Францияда бўлганидек, ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Германияда бўлиши зарурлигидан дарак беради. Худди Франциядаги каби Германияда ҳам немис классик фалсафаси - фалсафий фикр соҳасидаги инқилоб сиёсий ҳаёт соҳасидаги инқилобга муқаддима бўлиб хизмат қилади.

“Немис классик фалсафаси ўзидан олдин ўтган Европа ва жаҳон илғор фалсафий фикрлар ва оқимларнинг вориси давомчиси бўлиш билан бирга ўз давридаги Европанинг капиталистик тараққиёт тарихий тажрибасига ҳамда табиатшунослик ҳамда табиатшунослик техникафий ижтимоий - гуманитар билимлар соҳалари қўлга киритаётган умумлаштириш асосида пайдо бўлди. Бу фалсафада инсон фаолиятининг фаоллиги унда амалиётнинг мавжуд тартибларни ўзгартиришдаги ролини тарихий жараёнларнинг қонуниятларини тафаккур билан борлиқнинг диалектик айнанлигини фалсафадаги объект ва субъект муносабатларини тадқиқ этиш етакчи ўрин эгаллайди. ўзининг шу жиҳатлари билан немис классик фалсафаси инсоният фалсафий фикр тараққиётида алоҳида ўзига хос босқични ташкил қилади. Немис классик фалсафасининг пайдо бўлишида И.Кант И.Г.Фихте, Ф.Шеллинг, Г.Гегель ва Л.Фейербахларнинг фалсафий қарашлари муҳим рол ўйнадилар. Гарчи улар фалсафадаги турли оқимларга мансуб бўлган бўлсаларда, лекин уларнинг фалсафий қарашларини бир бирлари билан боғловчи умумий муштарак томонлари мавжуд эди. Айниқса, классик фалсафий фикр тараққиётида ўз фалсафий қарашларининг оригиналлиги, янгилиги ва бой мазмунга эгаллиги билан буюк ўрин тутган файласуфлар - булар: И.Кант, Г.Гегель ва Л.Фейербахлардир. Биз қуйида шу файласуфларнинг фалсафий қарашлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.”¹

XVI-XVIII асрлар Ғарбий Оврупо тараққиётида янги давр бошланади. Маънавий ҳаёт католик черкови таъсиридан чиқишида христианликда

¹ С.Йўлдошев ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т-ўзМУ; 2004й. 12 б.

протестантизм оқимининг вужудга келиши ҳам муайян роль ўйнади. Ғарбий Оврупода шакллана бошлаган ва фалсафага асосланган янгича дунёқараш ўрта асрчилик қабоҳатларини қадам-бақадам енгиб ўта бошлади. Бу ҳол аввало ишлаб чиқаришни ташкил этишда хунармандчиликдан мануфактурага ўтишда ўзини намоён этди. Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодига ўтиш натижасида янги синф – тадбиркорлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда салмоқли ўринни эгаллай бошлади. Индивидуал эркинликка кенг йўл очишдан манфаатдор бўлган бу синф ва инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари учун кескин курашга отланган зиёлилар бу давр ижтимоий муҳитини шакллантиришда тобора етакчи мавқега эга бўлиб бордилар.

Мануфактура ишлаб чиқаришининг ўсиши патриалхал муносабатларнинг парчаланишига сабаб бўлди. Халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши ижтимоий ҳаётдаги турғунликка барҳам берди.

Ишлаб чиқариш ресурслари тараққиётининг эҳтиёжлари табиат ва ундаги ҳодисаларни илмий билиш жараёнини тезлаштиришни тақоза этарди. Шунинг учун ҳам инсонпарварлик ғояларидан илҳомланган олимлар буюк кашфиётлар ижодкорлари сифатида майдонга келдилар.

Денгизда савдо муносабатларининг ривожига кemasозликнинг тараққиёти, янги шаҳарлар қурилиши астрономияга, математика ва механикага бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Н.Коперник гелиоцентрик назариясининг таъсири тобора кучая борди. Кеплер сайёралар ҳаракати қонунини очди. Галилейнинг механика назарияси вужудга келди. Ньютон механиканинг асосий қонунларини кашф қилди. Табиийёт фанларидаги бу ютуқлар ўрта аср схоластик ва диний мафкура таъсирини камайтириб, янги дунёқараш учун илмий асос тайёрлади. Лекин шунга қарамай, янгича илмий дунёқарашнинг асосида оламга механик ва метафизик қарашлар етакчи майл эди. Чунки қадимги даврдан бошлаб йиғилган табиат тўғрисидаги билимлар умумий характерга эга бўлиб, у янги даврнинг тажрибаси ва фан талабига жавоб бера олмасди. Шунинг учун янги давр табиийётшунослари табиатдаги ҳодисалар далилларини йиғиш ва ўрганиш, чуқурроқ билиш мақсадида уларни бир-биридан ажратиб ўрганардилар.

Бунинг натижасида табиийётшунослар табиат ҳодисаларида, предметларнинг ўзаро боғланиши, бир-бирини тақоза этишини англаб етмаган эдилар. Улар назарида олам қотиб қолган тасодифий ҳодисалар йиғиндисидан иборат бўлиб кўринарди. Бу давр карашларининг механик табиати қуйидагилар билан изоҳланади.

“XVI-XVIII асрларда табиийёт фанлари ичида механика ва математика фанлари катта ютуқларга эга бўлиб, кимё ва биология эса бу даврда хали у қадар ривожланмаган эди. Шунинг учун ҳам бу даврнинг олимлари механика ва математиканинг табиатдаги барча ҳодисаларга тадбиқ этиш мумкин бўлган умумий фан, табиатдаги барча сирларни очиб берувчи калит, деб ҳисоблардилар. И.Ньютоннинг физик тадқиқотидаги механик сабабият математика томонидан асослангандан кейин механизм яна мустаҳкамланди. Механицизм таълимотича, оламда ҳар бир жисмнинг ҳолати бошқа жисмнинг ҳолатига, шунингдек, ҳар жисмнинг тенглиги ёки ҳаракат сабаби бошқа жисмнинг ҳаракати ёки тенглигига боғлиқ. Предмет ёки ҳодисаларнинг ўзи ҳаракат манбаи эмас, у ўз-ўзидан ҳаракат қилиш қобилиятига эга эмас. Материя ҳаракатининг сабаби унинг ўзидан ташқарида бўлиб, ҳаракат эса сифат жиҳатидан бир хил бўлган предметларнинг маконда оддий ўрин алмашинуvidан иборатдир. Механицизм материя ҳаракатининг механик шаклинигина эътироф этиб, унинг бошқа шакллариини инкор этарди. Натижада механистлар табиатдаги сифат ўзгаришларини, тараққиётни бутунлай инкор этардилар. Шунинг учун механицизмнинг билиш методи амалда метафизик методдан иборат бўлиб қолди.”²

Бу давр дунёқарашида илмий фикрлар тобора етакчи ўринни эгаллагай бошлади. Натижада фалсафада билиш назарияси – гносеология муаммолари билан шуғулланиш етакчи майлга айлана борди. Буни инглиз файласуфлари Франсис Бэкон (1561-1626), Томас Гоббс (1588-1676), Жон Локк (1632-1704), голландиялик Бенидикт Спиноза (1631-1677), франциялик Рене Декарт (1596-

² Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т-; 2002й. 32 б.

1650), немис файласуфи Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646-1716) фалсафий қарашларида яққол кўриш мумкин.

Уларнинг ижодлари натижаси ўлароқ, билиш назариясида эмпиризм ва рационализм оқимлари вужудга келди.

Эмпиризм оқимининг асосчиси инглиз олими Франсис Бэкон ўзининг «Янги органон», «Янги Атлантида» асарларида ўрта аср схоластикасини танқид қилди ва табиат ҳодисаларини илмий тушунишни асослади. Билишнинг бирдан-бир тўғри йўли, унинг фикрича, тажриба (эксперимент)дир. Бэкон мавжуд бўлган барча нарса ва ҳодисаларга индуктив усул асосида ёндашиш ғоясини илгари сурди. Унинг фикрича, билиш алоҳидаликлардан, яъни хусусий далиллардан умумий илмий назариялар томон йўналиш асосида бўлади. Бироқ у эмпирик усулга ортиқча эътибор бериб, рационал усулнинг ролини пасайтириб юборди. У ҳиссий билиш билан ақлий билиш ўртасидаги алоқадорлик диалектикасини тўғри очиб бера олмади.

Бэкон фикрича, моддий дунёнинг асосини материя ташкил қилади. Унинг таъбирича, материя хилма-хил сифатга эга бўлиб, унинг миқдори ўзгармасдир, ҳеч нарсадан ҳеч нарса вужудга келмайди, ҳеч нарса йўқ бўлиб кетмайди. Материянинг умумий миқдори ҳеч қачон ўзгармайди, у камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам.

“Жорж Беркли ўзининг «Киши билишининг асослари ҳақида рисола» асарида субъектни бирламчи деб ҳисоблаб, барча нарсалар онгнинг ҳолатидан, сезгилар мажмуидан иборат, деб таълим беради. Беркли материяни, объектив реалликни бутунлай тан олмас эди. У оламда «Мен» ва менинг сезгиларимдан бошқа ҳеч нарса йўқ, оламдаги нарсалар менинг сезгиларимдагина мавжуд, агар мен сезмасам, уларнинг мавжудлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Объектив реалликнинг мавжудлигига шубҳа билан қаровчи скептицизмнинг асосчиларидан бири Давид Юм (1711-1776)дир. Унинг нуктаи-назарича, дунё қонунлари субъектив хусусиятга эга бўлиб, бизнинг одатларимизга боғлиқ, сабабият ва зарурият сезгиларимизнинг тартибидан, кетма-кетлигидан бошқа

ҳеч нарса эмас. Шундай қилиб, Юм скептицизмни агностицизмнинг турларидан бири сифатида қараб, моддий дунё қонунларини билишни инкор этиб, фан тараққиётини чеклашга ҳаракат қилади.»³

XVII асрнинг энг йирик мутафаккирларидан бири франциялик Рене Декарт (1596-1650) эди. У рационалистик оқимнинг асосчиси бўлиб, унинг таълимотича, табиатни билишнинг бирдан-бир йўли, услуби – ақлий билишга асосланган дедуктив услубдир.

Илмий-фалсафий билимларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида ақл бениҳоя муҳим роль ўйнайди. Фақат ақлнинг ёрдамида инсон ўзига зарур бўлган ҳақиқатга эришиши мумкин. ҳақиқат эса бу ақл нуқтаи назаридан аниқ-равшан ва шубҳасиз бўлган назарий хулосалардир.

Билишнинг бирдан-бир манбаи – тафаккурдир. Рационалист сифатида Декарт сезгиларнинг билишдаги ролини пасайтиради. Унингча, кўз, кулоқ, тил, бадан ва бурун ташки дунё тўғрисида нотўғри маълумот беради. Шунинг учун билишнинг манбаи ҳам, билимларимизнинг ҳақиқатлик ўлчови ҳам ақлдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Декарт ўзининг «Мен фикрлайман – демак, мен мавжудман» деган машҳур тезисини илгари суради.

“Янги давр фалсафасида XVIII аср француз олимлари П.Гольбах (1723-1789), Д.Дидро (1713-1784), К.Гелвеций (1715-1771), Ж.Ламетрининг (1709-1751) хизматлари катта. Уларнинг таълимотича, ҳамма мавжуд нарсалар моддийдир ва уни илмий тилда материя деб номланади. Материя майда молекула ва атом заррачаларидан ташкил топган. Француз олимларининг фикрича, материянинг асосий хусусиятлари – ҳажм, оғирлик, ўтказмаслик, фигура ва механик ҳаракатдан иборат. Улар ҳаракати материянинг ажралмас хусусияти, ҳаракатсиз материя бўлиши мумкин эмас, деб таъкидладилар.»⁴

ўракатнинг сабабини ҳам табиатнинг ўзидан деб тушундилар. Бироқ улар ҳаракат предмет ёки ходисаларнинг фазода оддий ўрин алмашинуvidан иборат, деб ҳисоблашарди.

³ С.Йўлдошев ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т-ўзМУ; 2004й. 19 б.

⁴ Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т-; 2002й. 41 б.

Француз олимларининг билиш назариясига кўра, табиат предметларини билиш уларни сезишдан иборат, сезгининг манбаи эса объектив реалликдир, чунки материягина сезги аъзоларимизга таъсир эта олади.

Улар билиш жараёнида ақлнинг ролини инкор этмадилар. Уларнинг фикрича, сезгиларимиз тафаккурнинг асоси ва мазмуни, тафаккур эса миянинг бир қанча сезгиларини йиғиш, қўшиш, солиштириш қобилиятидан иборатдир.

Шу билан бирга уларнинг билиш назарияси чекланган бўлиб, билиш оддийдан мураккабга қараб боровчи диалектик жараён эмас, балки сезги, фикр ва мулоҳазаларни йиғиндисидан иборат, деб тушунтирдилар. Иккинчидан, билиш жараёнида кишиларнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси аҳамиятини тушунмасдилар. Улар ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги фикр юритиб, киши ижтимоий муҳитнинг маҳсули, ижтимоий муҳит қандай бўлса, киши ҳам шундай бўлади, деб ҳисобладилар. Ижтимоий муҳитни янгилаш фақат маърифатнинг ривожини орқалигина амалга ошириш мумкин. Лекин улар ижтимоий муҳит маъносида давлатни, сиёсий идоралар, унинг қонунларини, устқурмани тушунар эдилар. Бундай фикрдан жамиятни бошқаришда, кишиларнинг фикри бўлса бас, жамият ҳам, ижтимоий муҳит ва унинг тузилиши ҳам шундай бўлади, деган хулоса келиб чиқарди. Улар бўлажак жамиятнинг асосий вазифаси ҳамма кишиларни адолатли равишда бахт ҳуқуқи билан таъминлашдир, деб ўйлардилар. Улар давлатни вужудга келтирган иқтисодий сабабни, давлатнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини ва тарихий характерини очиқ бера олмадилар.

ФАЛСАФА ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА НЕМИС

ФАЙЛАСУФЛАРИНИНГ ҲИССАСИ .

Иммануэл Кант – немис классик фалсафасининг асосчиси.

Немис классик (классик) фалсафаси XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошида вужудга келди. Бу фалсафанинг асосий вакиллари И.Кант, И.С.Фихте, Ф.Р.Шеллинг, Г.Ф.В. Гегель ва Фейербахдир.

“XVIII-XIX аср бошидаги олмон фалсафаси. Янги давр олмон (немис) фалсафаси **Иммануэл Кант** (1724-1804)дан бошланади. У фалсафанинг жамият ва инсон ҳаётидаги амалий аҳамиятини белгилаб беришга ҳаракат қилди.

Дастлаб куёш системасининг келиб чиқиши бўйича ўзининг илмий гипотезасини ёзиб, чоп эттирди. Кант фалсафада бири иккинчисига қарама-қарши йўналган иккита мафкурани муросага келтиришга уринди. Оқибатда Кант фалсафасига хос дуалистик қарашлар келиб чиқди. У бир томондан дунёни чекли қилиб яратилган эканлигини исботлашга уринаётган диний рационалистик хулосалар билан, иккинчидан, дунёнинг чеки-чегараси йўқ дея даъво қилаётган фан хулосалари орасида иккиланиб қолган эди.

Кант қарама-қарши қўйилган тасаввурларни муросага кел-тиришга интилни. У илк бор метафизик методнинг моҳиятини ҳодисанинг қарама-қарши томонларидан бирини мутлоқлаштириш орқали дунёни англаш ташкил этишини тушуниб етди. Айни пайтда, у метафизик тафаккур услуби ёрдамида нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлаб бўлмасликни ва унинг ҳодисаларни фақат бир томонлама тушунтиришга қодир бўлган услубият эканлигини ҳам таъкидлади. Шу билан бирга Кант метафизик тафаккур камчиликларини билиш жараёни табиати ва амалга ошиш шакллари тушунтириш чоғида кўрсатиб берди.”⁵

Кантнинг фалсафадаги буюк хизматларидан бири билиш назарияси (гносеология)нинг муҳим масалаларини янгича ёндашиш асосида муҳокама этганлигидадир. Хусусан, у Янги давр фалсафасида ҳиссий тажриба ва ақлий мушоҳаданинг билиш жараёнидаги ўзаро муносабатини тўғри тушунмаслик, улардан бирини мутлоқлаштириш натижасида эмпиризм (лотинча эмпирия - тажриба) ва рационализм (рацио - ақл) оқимларининг вужудга келганлигини

⁵ Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т-; 2002й. 51 б.

қайд этади. Кант фикрича ҳиссий тажриба ва ақл билишнинг ўзаро узвий боғлиқ иккита манбаи, воситаси бўлиб, улар билимларни биргаликда ҳосил қилади. Унинг таъкидлашича, “Инсон билимининг умумий илдизидан чиқадиған иккита шохи мавжуд: ҳиссиёт ва ақлий мушоҳада. ҳиссиёт орқали предметлар бизнинг онгимизга узатилади, ақлий мушоҳада орқали улар фикрланади”⁶.

Ақлни ўз навбатида икки босқичга ажратади: ҳиссий тажриба билан боғлиқ ақлий мушоҳада (яъни эмпирик билим) ва софй ақл (яъни, назарий билим, спекулятив тафаккур). Ақлий мушоҳада априори тарзда, яъни субъект тажрибасигача унинг онгида мавжуд категориялар ёрдамида амалга оширилади. ҳақиқий билимни ана шу категориялар мавжуд бўлган онг-трансцендентал (тажрибадан ташқаридаги) онг ёки “умуман онг” ҳосил қилади.

⁶ Кант И. Критика чистого разума. Соч. в 6-ти томах. Том. 3. –М.: 1964. –С. 168

ХУЛОСА

Классик фалсафанинг сўнгги вакиллари ва улар фалсафасининг салбий оқибати.

Марксизм Ғарбий Оврупода XIX асрнинг 40-йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, сиёсий тузум ва маънавий турмушда содир бўлган чуқур кризис муҳотида шаклланди. У бу разолатга қарши вужудга келаётган кучли ижтимоий-инқилобий ҳаракатни илмий заминга қўйиш эҳтиёжларини ифодаларди. Бинобарин, у ўша давр муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бир фалсафий оқим эди.

Немис классик фалсафаси, инглиз иқтисоди, француз ҳаёлий социалистларининг таълимотлари марксизмнинг назарий асоси бўлди.

“К.Маркс ҳамма ёвузликлар асосида бегоналашган меҳнат ётади, бунинг сабаби эса, мулкнинг хусусийлиги деб билди. ўз асарларида, айниқса «Капитал»да ана шу нуқтаи назарни исботлашга уринди. Дин ўрнига атеистик дунёқараш ва эътиқод қарор топиши керак, деб ҳисоблади. Инсоният тарихи синфий курашлар тарихидан иборат, деган ғайриилмий қарашлардан келиб чиқиб, у жамият тараққиётини сунъий равишда формацияларга бўлиб, инсонлар фаолиятини, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари асосида тарихан шаклланадиган ижтимоий-иқтисодий тузумларни англашда бир томонлама тасаввурлар вужудга келишига асос солди. Унинг фикрича, кейинги формация илгаригисидан тараққий этган бўлиши керак эди. Хусусий мулкчилик ва талончиликка асосланган XIX аср Ғарбий Оврупосида капитализм унинг назарида охирги нафасини олаётгандек туюлди, капиталистик жамият ўрнига ижтимоий мулкка асосланган ва байроғига Тенглик, Адолат, Эрк, Биродарлик ёзиб қўйилган қандайдир умумий (коммуна) жамияти бутун дунёда муқаррар барпо бўлишини «башорат» қилди.”⁷

⁷ С.Йўлдошев ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т-ўзМУ; 2004й. 84 б

Маркс маънавий ҳаёт, унда ғояларнинг ролига юксак баҳо берган ҳолда, уларни моддий ишлаб чиқарашнинг соясида қолдирган эди. Натижада илмий-техника тараққиёти ва илмий-техника инқилоби шароитида бошланган маънавий инқироз Маркс таълимоти негизида тобора чуқурлашиб борди.

Марксизмнинг қадр топиб кенг ёйилишига, ижтимоий адолатсизлик, тенгсизлик, зулмга асосланган давлат тузумлари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларга қарши Ғарб муҳитида тобора авж олиб борган норозилик ҳамда инсон онги ва руҳий оламида асрлар давомида қарор топган ҳалоскорга ишонч руҳи катта роль ўйнади.

Ижтимоий тараққиётнинг барча масалаларига «пролетариат манфаатлари» нуқтаи назаридан қараш тарихий жараёнларни сохталаштиришга олиб келди.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон 1992.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият” 2008 йил
1. Фалсафа асослари. –Т.: Ўзбекистон; 2005.
2. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: Шарқ; 2004.
3. Фалсафа. ўқув қўлланма. –Т., Шарқ 1999.
4. Фалсафа. Маърузалар матни. –Т. ЎзМУ, 2008.
5. Н.Маматов, В.Игошин. Философия. ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2004.
6. Н.Маматов, Ж.Абдухолиқов, М.Қаҳҳорова. Мантиқ (ўқув қўлланма), Тошкент 2010й.
7. Рахимов И. Мантиқ. –Т. 1995.
8. Упражнения по логике. –М. 1990.
9. Хайруллаев М.М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. –Т. 1993.
10. Шарипов М. Мантиқ (Маърузалар матни). –Т. 2000.
11. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик: Маърузалар матни. –Т.: 2004.
12. С.Йўлдошев ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т-ўзМУ; 2004й.
13. Умаров Э. Эстетика. –Т. 1995.
14. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т-; 2002й.
15. Камолова С., Файзихўжаева Д. Мантиқ. –Т. 1993.
16. Валиев Б. Мантиқ курси бўйича амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. –Т. 1992.
17. Л.Мавлянова, В.Игошин Эстетика (курс лекций), Тошкент 2004й.
18. Мустақиллик: илмий, изоҳли, оммабоп луғат. –Т.:Шарқ 1999.
19. Ислон энциклопедияси. –Т.: МЕРОС; 2004

